ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

47 (649)

2008 йил 19 ноябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

веб-сайт: www.mahalla.uz
e-mail: mahalla.gz@rambler.ru

2
▶ Ғалабага чанқоқ ёш спортчилар
▶ Коммунал хизмат: эътирозга ўрин бор!

3
▶ "Эрияпласт" пластикни қайта ишлайди
▶ Фирибгарнинг тегирмонига сув қуйган ким?

4
▶ "Mahalla"ни ўқисам, чарчоғим чекинади
▶ Алла айта оласизми, келинпошша?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этади;

фаолият юритаётган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўзларининг устав жамғармаларини мазкур Фармонда белгиланган миқдоргача кўпайтира олмайдиган акциядорлик жамиятлари ўртасида уларни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайтадан ташкил этиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Банклар уюшмасининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари қабул қилинсин:

банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиш;

банклар томонидан банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайтадан жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш;

кейинчалик корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сотиш.

3. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳамда ваколатлари этиб белгилансин:

аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига сотилиши лозим бўлган банкрот корхоналар рўйхатини аниқлаш;

банклар томонидан корхонани қайта тиклаш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан тижорат банкларига банкрот корхоналарни сотиш бўйича аукцион ҳамда танлов савдоларининг шартлари ва натижаларини тасдиқлаш;

банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича аукцион савдолари ўтказилишини ташкил этиш, танлов савдоларида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

тижорат банклари томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши, ушбу корхоналарнинг молиявий фаолияти соғломлаштирилиши ва кейинчалик уларнинг стратегик инвесторларга сотилиши устидан мониторинг натижаларини кўриб чиқиш;

тижорат банклари шартномада назарда тутилган муддатларда инвестициялар киритиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш бўйича қабул қилинган мажбуриятларини бажармаган тақдирда ушбу банк билан олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Комиссиянинг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

аукцион ва танлов савдоларида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш Тартибини;

иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда:

сотиб олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва сотиш борасида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш;

лойиҳаларни инвестициялаш, инвестициявий кредитларни бериш ва хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи тижорат банкларининг таркибий бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 24 январда қабул қилинган ПФ-3202-сон Фармони 3-бандининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошилари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 18 ноябрь



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ТАНИШИНГ:

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тошкентда "Roison-Candy" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси иш бошлади.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар кўплаб чет эл фирма ва компанияларининг Ўзбекистон бозорида ўз ўрнини кенгайтиришга қизиқишини кучайтираётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилишда хориж сармоясини кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун мустаҳкам замин ҳозирламоқда.

"Roison-Candy" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси Ўзбекистоннинг "Roison Electronics" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Италиянинг "Candy Group" трансмиллий компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Янги қўшма корхона илғор технологиялар асосида турли хил ва ҳажмдаги маиший техника, хусусан, музлаткичлар ва кир ювиш машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

1945 йилда фаолиятини бошлаган "Candy Group" мингдан зиёд русумдаги маиший техника ишлаб чиқаради. Компаниянинг маҳсулотлари юздан ортиқ давлатга экспорт қилинади.

— Италия бизнес оламида ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта, — дейди "Candy Group" тижорат ишлари бўйича директори Массимилиано Марколини. — Бунда Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорликда сифати жиҳатидан халқаро талабларга тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, товарларимиз билан ички бозорни янада тўлдириш ҳамда уларни экспортга чиқаришни мақсад қилганмиз.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН – АЛЛОҲ НАЗАРИ ТУШГАН ЮРТ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Малайзия Бош вазири Абдулла бин Ҳожи Аҳмад Бадавий 18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Олий мартабали меҳмон дастлаб Пайариқ туманидаги Ҳартанг қишлоғида жойлашган Имом Бухорий мажмуини зиёрат қилди. Истиқлол йилларида бу ерда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани таъкидланди.

— Бу заминда Имом Бухорийдек буюк алломалар яшаб ўтгани, шундай муқаддас зиёратгоҳлар мавжудлиги Ўзбекистоннинг Аллоҳ назари тушган юрт эканлигидан далолатдир, — деди Малайзия Бош вазири. — Ушбу мажмуани зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлганимдан беҳад мамнунман. Ўйлайманки, давлатларимиз ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ривожлангани сайин Ўзбекистонга келишни истовчи малайзияликлар сони ҳам ортиб бораверади.

Абдулла Бадавий Бибихоним масжиди ва Регистон майдонида бўлди. Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди. Сиёб деҳқон бозорига бориб, саховатли заминимизда етиштирилган ноз-неъматларни кўздан кечирди.

Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР

Мамлакатимизга ташриф буюрган Руминия ташқи ишлар вазири Лазар Комэнеску раҳбарлигидаги делегация 18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги алоқалар бошқа йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Учрашувда парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Лазар Комэнеску Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистонда нафақат савдо-иқтисодий, балки бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни кенг ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд эканлигига яна бир бор амин бўлдик, — деди Лазар Комэнеску. — Юртингизга ташрифдан мақсад сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

(ЎзА)

Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа

МАВСУМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

Фарғона вилоятида ҳам куз-қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, табиий газ, электр энергиясидан тежамли фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тошлоқ туманида куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида аниқ тадбирлар белгиланиб, бир қатор ишлар бажарилди. Тошлоқ шаҳарчасидаги Дўстлик мавзесида жойлашган иккита кўпқаватли уй мукаммал таъмирдан чиқарилди. 7 қозонхона мукаммал, 22 таси жорий таъмирланди.

Туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда халқ таълими тизимидаги муассасаларда ҳам мавсумда муаммолар бўлмайди. Табиий газ ва иссиқлик узатиш тармоқлари мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Газлаштирилмаган ҳудудлар учун керакли миқдорда кўмир жамғарилди.

Учқўприк туманидаги коммунал соҳа ходимлари томонидан ҳам ижобий ишлар қилинмоқда. Куз-қиш мавсумида табиий газ ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш масалалари бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларида соҳа раҳбарлари иштирокида учрашувлар ташкил этилмоқда.

– Мавсумга пухта ҳозирлик кўрдик, – дейди туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Аҳмаджон Меликўзиев. – Жумладан, 28 трансформатор мукаммал таъмирланди. Бешкапа қишлоғида янги трансформатор ўрнатилди. Афсуски, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётганлар ҳам учраб турибди. Ўтган давр мобайнида 430 ана шундай ҳолат аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Биз бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида рейдлар ташкил этяпмиз, электрон ҳисоблагичлар ўрнатмоқдамиз.

"Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Учқўприк филиали 28 минг аҳоли ҳамда 382 улгуржи истеъмолчига хизмат кўрсатади. Барча газ тақсимлаш тармоқлари мавсум арафасида тўлиқ таъмирланди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Фуқаролар йиғинларига сайлов:

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Юртимиздаги барча шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловларининг натижалари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясига тақдим этиб келинмоқда. 2008 йил 18 ноябрь ҳолатига кўра, мамлакатимиздаги жами фуқаролар йиғинларидан 2829 тасида йиғин раиси (оқсоқоли) ҳамда уларнинг 28215 нафар маслаҳатчиси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жамоатчилик асосида фаолият юритаётган 1031 та фуқаролар йиғинларидан 145 тасида йиғин раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 945 нафар маслаҳатчиси сайланган.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилмоқда. Хусусан, **Тошкент вилояти** Чирчиқ туманидаги «Иқбол» ҳамда Қибрай туманидаги «Ўймовут» маҳаллаларида сайлов яширин овоз бериш тарзида ўтказилди. Жойларда демократик сайлов ўтказишнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланилаётгани фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан яхши хабардор эканини билдиради.

Сайловнинг бундай тарзда ташкил этилиши сайловчиларга энг муносиб номзодни танлашда янада кенгроқ имконият яратди. Боиси, вакиллар йиғилишининг ҳар бир иштирокчиси ўз хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, яширин овоз бериш қабинасида муқобил номзодлар орасидан ўзи мақбул деб ҳисоблаган номзодга эркин ва мустақил равишда овоз берди.

Фарғона вилоятидаги ўзини ўзи бошқариш органларида бўлиб ўтаётган сайловларда ҳам қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этилмоқда. Айниқса, сайловларда эл-юрт танлаган вакилларнинг фаол иштирок этаётгани мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирларнинг ошкора, холисона фикрлар алмашинуви тарзида ўтишига замин яратяпти.

Жумладан, Фарғона шаҳридаги «Истиқлол» маҳалласида фуқаролар йиғини раислигига тўрт нафар номзод кўрсатилган эди. Вакиллар йиғилишида номзодлар ўз дастурларини баён қилишди. Сайлов очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилди. Шаҳардаги «Истиқбол» маҳалласида ҳам сайлов шу тарзда ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Кердер» овулида истиқомат қилаётган тадбиркорлар асосан деҳқончилик ва чорвачилик фаолияти билан шуғулланади.

Овул фуқаролар йиғинида ўтган сайловда сайловчилар маҳаллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини янада кенгайтиришга, қолаверса, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишлар ривожига муносиб ҳисса қўша оладиган номзодга овоз беришга алоҳида аҳамият қаратдилар. Табиийки, фуқаролар фаоллиги ва қонунчилик талаблари асосида ўтган сайловда аҳоли ўзига мос оқсоқолни сайлашда адашмади.

Наманган вилоятидаги фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтаётган сайловлар маҳалладошларнинг ўзаро уюшқоқлиги асосида, якдиллик билан ташкил этилаётгани диққатга сазовордир. Ошкоралик руҳида ўтказилаётган сайлов муҳити, сайловчиларнинг фаоллиги халқ ишончини қозонган, жамоатчилик ишларида ўзини кўрсата олган номзодларнинг оқсоқолликка сайланишида бош омил бўлаётир.

МУХБИРЛАРИМИЗ

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Фермер ҳиммат қиламан деса, уйлар нима, бутун бошли қишлоқни ҳам қуриб беради.

Қашқадарё вилояти

МУКОФОТГА САЗОВОР КИТОБ

Яқинда Россия пойтахтида бўлиб ўтган XXI Москва халқаро китоб кўргазмаси доирасида ўтказилган «Китоб санъати» халқаро кўрик-танловида Қашқадарё вилоятида жойлашган «Шўртаннефтгаз» унитар корхонасининг тарихи ва фаолиятига бағишланган «Шўртан» китоб-альбоми мукофотга сазовор бўлди.

МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг етакчи нашриётлари ўртасида бешинчи маротаба ўтказилган бу кўрик-танловга Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ноширлари томонидан чоп этилган 200 га яқин китоб тақдим этилган эди.

Ушбу нуфузли тадбирда юртимиздаги «Маънавият» нашриётида ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларида чоп этилган «Шўртан» китоб-альбоми мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилиб, махсус диплом билан тақдирланди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимиздаги мавжуд қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга риоя этиш зарурати аввало, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари томонидан олиб бориладиган тушунтириш ишлари ва бошқа масъул идораларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида ёшлар онгига сингиб боради.

Қолаверса, инсонларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда, маълум бурч ва мажбуриятларга ҳам эга эканини англаши айнан маҳалладан, ўзи яшаб турган уйни, кўчани ободонлаштиришдан, табиатга, табиий муҳитга зиён етказмасликдан, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилишдан бошланади. Биргина куз фаслида тез-тез учраб турадиган хазонларга ўт қўйиб юбориш ҳолатларига йўл қўймаслигимиз ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳамда нафақат ўзимизнинг, балки бошқа фуқароларнинг-да соғлиғига путур етказиш орқали уларнинг ҳуқуқларига дахл қилмаслик каби конституциявий бурчимизни бажараётганимиздан далолатдир.

Табиат бутун тирик мавжудотларнинг ҳаёт манбаи эканини эътиборга олган ҳолда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, она табиат, унинг бойликлари ва ноз-неъматларини келажак авлодларга етказиш конституциявий бурчларимиздан бири саналади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда инсон шаъни, қадр-қиммати, биринчи ўринда, Конституция орқали ҳимоя қилинади. Ҳа, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юртимизда олиб борилаётган одилона сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир. Хусусан, энг муҳим халқаро ҳужжатларда ҳам инсон шаъни ва қадри дахлсиз неъмат сифатида кафолатланган.

Шу жумладан, Конституция ҳар бир фуқаро қонун олдида тенг бўлишини белгилаб берди. Унинг 20-моддасида таъкидланганидек, фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги лозим.

Бош Қомусимизнинг XI боби фуқароларнинг бурч ва мажбуриятларини акс эттирган. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Конституцияда тенг даражада ҳуқуқий меъёрлар асосида мустаҳкамлаб қўйилганини билдиради. Эътиборли жиҳати, мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг мажбуриятлари халқ, жамият ва давлат манфаатларини четлаб ўтмаган ҳолда белгиланган. Бу хусусият мазкур ҳужжатнинг қадр-қиммати янада оширади. Шу боис, конституциявий мажбуриятлар давлатимизнинг Асосий қонунида белгилаб қўйилгани учунгина эмас, балки мазмун-моҳияти ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, фаолиятига дахлдорлиги билан ҳам аҳамиятли.

Ушбу ҳужжат ва мамлакатимизда кучга кирган бошқа қонунларнинг устуворлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида кўрсатиб ўтилган. Конституциянинг 48-моддасига кўра, ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунларга риоя этиши лозим. Унинг 49-моддасига биноан, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш фуқароларнинг бурчидир. Қолаверса, маданий-маънавий ёдгорликлар давлат муҳофазасида туради. Бу аждодларимиз томонидан яратилган тарихий, маънавий ва маданий бойликларни фақат муҳофаза қилиш эмас, балки уларни янада бойитиш ҳам демакдир.

Истиқлол йиллари юртимизда аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бебаҳо санъат асарларини қайта тиклашга, нодир иншоотларни зиёратгоҳ масканларга айлантиришга катта эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугун тарихий обидаларни, минораю мақбараларни асраш ва таъмирлаш, халқимиз меҳнати маҳсули бўлган, миллийлигимизни акс эттирувчи санъат асарларини ардоқлаш юртимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг бир қисмини ташкил этмоқда.

Шунингдек, Конституциянинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бурчидир, дея қайд этилиб, ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ йўли билан ўз ватанини ҳимоя қилиш мажбурияти тартибга солинган.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Оқсоқол ким ва у қандай бўлиши керак?

ЧУҚУР БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА САЛОҲИЯТ

ҳар бир маҳалла оқсоқолига хос бўлган фазилатдир

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловларида юртдошларимизнинг фаол иштироки кузатилмоқда. Таъкидлаш жоизки, оқсоқол вазифасига сайланган инсон ҳудуддаги муаммоларни оқилона ҳал этиш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлащдек муҳим вазифаларни зиммасига олишга қодир шахс бўлмоғи лозим. Шу билан биргаликда, оқсоқол ким ва у қандай бўлиши кераклиги тўғрисида юртдошларимизнинг ўз фикри, тушунчаси бор. Оқсоқолнинг бурчи ва вазифалари хусусида ватанимизнинг турли ҳудудларида умргузаронлик қилаётган газетхонларнинг таҳририятимизга йўллаган хатларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик:

"Маҳаллада ўсиб-улғаяётган ёшлар жамоа билан ҳамжиҳатликда яшашни ўрганади. Кексалар ва оқсоқолларнинг ўзаро муносабатлари, қилган ишларидан ибрат олиб, вояга етади. Шу боис маҳалла бошчисини, яъни оқсоқолни сайлаш муҳим жараён ҳисобланади.

Азалдан халқимиз кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган, масъулиятли ишларнинг уддасидан чиқа оладиган кишиларни "оқсоқол" деб ҳурмат қилган. Оқсоқол сайлашда энг аввало, чуқур билимга ва кенг дунёқарашга эга бўлган, маънавияти юксак, бошқаларни ўз ортидан эргаштира оладиган номзодларга овоз бермоғимиз даркор. Оқсоқолликка номзод маҳалла тушунчасининг моҳиятини чуқур англаган, янгиликка интилувчи ва уни ҳаётга татбиқ эта оладиган инсон бўлиши керак.

Нодир ОТАЖОНОВ,
меҳнат фахрийси.
Хива тумани Эски Қиёт қишлоғи".

"Пиру бадавлат отахонларимиздан бири шундай фикр билдирганди: "Халқимиз кўни-кўшничиликда яшаб, бир-бирига мадад, суянч бўлиб келган. Қишлоқ ёки маҳаллани ҳурмат-эътиборли кишилар бошқарган. Энг муҳими, улар мавжуд муаммоларни кўпчиликнинг хоҳишистаги ва манфаатларидан келиб чиқиб, одилона ҳал этишган. Кўпни кўрган, маҳалла ташвишини оғринмай гарданига оладиган инсонгина, менимча, оқсоқол бўлишга лойиқ".

Дарҳақиқат, жамиятда маҳалланинг ўрни ва мавқеи ортиб бораётгани оқсоқол вазифасини бажарувчи шахсга қўйиладиган талабларни ҳам кучайтирди. Бугунги куннинг оқсоқоли мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етган, бу жараёнда ўзи ҳам фаол иштирок этиб, ортидан маҳалладошларини ҳам эргаштира оладиган инсон бўлиши керак.

Миллий анъана ва қадриятларимизни чуқур билган оқсоқол ўз фаолияти орқали уларни аҳоли орасида тарғиб этади, ёшлар қалбига чуқур сингдиришга эришади. Фуқаролар йиғинлари оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови жараёнида номзодларда ана шундай фазилатларнинг бўлишига алоҳида аҳамият беряпмиз.

Суяржон ҚУРБОНҚУЛОВ,
Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент вилоят комиссияси раиси ўринбосари".

"Истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз тобора кўркамлашиб, янгича қиёфа касб этиб бормоқда. Ватандошларимиз ўзлари яшаётган масканларни боғу бўстонга айлантиришга астойдил бел боғлаганлар. Маҳалла оқсоқоли фуқароларни улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларига йўллай оладиган, юртига меҳри баланд киши бўлиши керак.

Мен узоқ йиллардан буён қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифасини бажариб келаман. Тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, оқсоқол — маҳалланинг отаси. Отанинг оила олдидаги масъулияти қанчалик катта бўлса, оқсоқолнинг маҳалла олдидаги масъулияти ҳам шунчалик юксак. Шу боис у билимли, ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам ўзини йўқотмай тўғри қарор қабул қила оладиган, аҳоли фаровонлигини ҳар нарсадан устун қўядиган инсон бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Дилбархон АҲМЕДОВА,
Кўрғонтепа туманидаги "Савой" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси".

Ҳаётий тажрибага, юксак салоҳиятга эга, турли тоифадаги инсонлар билан муомала қила оладиган шахс оқсоқол бўлишга ҳақли. Шунингдек, у ёшлар билан ишлай олиши, энг муҳими, тиллаша олиши керак. Чунки вояга етаётган фарзанд меҳр-оқибатни, ўзи яшаб турган юртга муҳаббат туйғусини атрофидаги инсонлардан ўрганади. Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилиши ёшлар тарбияси билан боғлиқ кўпгина муаммоларнинг олдини олади.

Оқсоқолнинг саъй-ҳаракати билан кўплаб оилавий можароларнинг оқилона ҳал этилганига гувоҳ бўлганман. Кўпинча ёш оилаларда юзага келадиган муаммолар оқсоқол ва маҳалла фаолларининг аралашуви билан ижобий якун топади. Бу борада оқсоқолнинг оиласи бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишга арзигулик бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Й.ГОЗИЕВ, ўқитувчи.
Учкўприк тумани".

Тошкент вилояти

Зангиота туманида мавжуд 88 та фуқаролар йиғинида сайловга тайёргарлик ишлари тўлақонли бажарилди: ҳар бир маҳалла аҳли муқобил номзодлар орасидан энг мақбулини йиғин раиси этиб сайламоқда.

СУРАТДА: *сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзоси Кифоят Эрмуҳамедова (ўнгдан иккинчи) ишчи гуруҳлари аъзолари билан.*

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

22-модда. Овозларни санаб чиқиш

Овозлар саноқ комиссияси томонидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

23-модда. Саноқ комиссиясининг баённомаси

Овозларни санаш натижалари бўйича саноқ комиссияси томонидан баённома тузилади.

Саноқ комиссиясининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

фуқаролар йиғини иштирокчиларининг умумий сони;

овоз беришда қатнашган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида бюллетень олган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони;

яширин овоз бериш ўтказилганида ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома саноқ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

24-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқариш

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.

Ёшлар спорти

Жиззах вилояти

ИҚТИДОРИ БОРЛАР ЮТАДИ

Кейинги пайтларда Жиззах шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг номи вилоят миқёсидаги йиғинларда тез-тез тилга олинадиган бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Мактаб тарбияланувчиларининг нуфузли спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётгани бу эътирофнинг асосий сабабидир.

110 нафар ёшлар мактабда билим олиш билан бирга спортнинг бадиий гимнастика, теннис, бокс, кураш, синхрон сузиш, оғир ва енгил атлетика турлари бўйича ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Мураббийларнинг ҳар бир ёш спортчи билан унинг жисмоний-руҳий имкониятларини, феъли, қолаверса, иқтидорини ҳисобга олган ҳолда якка тартибда машғулотлар олиб бораётгани спорт йигит-қизларни муваффақият сари етаклашга омил бўлмоқда. Мактабнинг спорт мураббийлари тарбиялаётган ёшлар вилоят, республика миқёсидаги беллашувлар ғолиби бўлишмоқда.

Вилоят спортчилари орасида ном қозонган теннисчи Виолетта Сулаймонова яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган теннис бўйича республика биринчилиги мусобақаларида 32 нафар тенгдошини енгиб, ғолиблиқни қўлга киритди. Спорт мактабининг яна бир вакили Алижон Бобобеков ҳам ушбу чемпионатда учинчи ўринга сазовор бўлди. Умидли ёш спортчи Тоҳир Ҳамроқулов ҳам фахрли ўринни эгаллади. Кичик ёшдаги спортчилар гуруҳида беллашган Сарвар Нормуродов, Робия Абдуназарова ҳам совриндор бўлиб, Жиззахга чемпионат медали билан қайтишди.

— Ёш боксчиларимиз эришаётган ютуқлар ҳам мактовга лойиқ, — дейди спорт мактаби директори Шуҳрат Йўлдошев. — Қозоғистонда ўтказилган бокс бўйича IV халқаро турнирда қатнашган Шаҳзод Қаршибоев ва Ўлмас Турдиқуловлар ўз вазнлари бўйича учинчи ўринни эгаллашди. Мактаб мураббийси Абдумалик Аллаёров турнирнинг энг яхши ҳаками, деб тан олинди.

А.ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Хоразм вилояти

"НАВРЎЗ" УРГАНЧЛИКЛАР ХИЗМАТИДА

Эл соғлиги — юрт бойлиги, дейди халқимиз. Урганч шаҳридаги "Наврўз" оилавий поликлиникаси шифокорларининг аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида қилаётган меҳнатлари ҳам эътирофга лойиқ. Мазкур даргоҳда ишлаётган олтмиш нафардан зиёд шифокор мутахассислар 21- ва 34- маҳаллаларнинг 15 мингга яқин аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

— Яқинда ҳудудимиздаги 7-сонли болалар боғчаси тарбияланувчилари ва 22-сонли мактаб ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилди. Аҳолига кенг миқёсда, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятларга эгамиз, — дейди поликлиника бош шифокори Ўктамбой Эшжонов. — Бундан ташқари, ходимларимизнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Поликлиникамиз катта ҳамшираси Гулнора Бердиева Исроилнинг Тель-Авив шаҳридаги шифо масканларида бўлиб, малака ошириб келди. Сайёра Аҳмедова, Султонпошша Тўраева, Гулсара Исмоилова каби шифокорларимиз эса маҳаллалардаги кексалар, ногиронлар, болалар, туғиш ёшидаги аёллар аҳволидан тез-тез хабар олиб туришади.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Кўргазма

Тошкент шаҳри

ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИ

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, уларни нашр этишга буюртмаларни шакллантириш механизми ҳамда ижара тизими, шунингдек дарсликлар чакана савдосини кенг йўлга қўйиш мақсадида 2006 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Республика ўқувчилар саройида 2009-2010 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий

қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган анъанавий учинчи кўргазмаси очилди.

Тадбирда таълим тизими ходимлари, ўқитувчи ва талабалар ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбеккитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Ғафур Ғулом, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган 167 номдаги дарслик, 44 номдаги турли мавзуга оид адабиётлар намойиш этилди.

Кўргазмада сўзга чиққан тадбир ташкилотчилари кўргазманинг йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани хусусида фикр билдирдилар. Шунингдек, нашриётлар томонидан мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти ўқувчи-талабалари учун нашр этилган ўқув дарсликларининг мазмуни, сифатига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар. Мазкур кўргазмадан кўзланган асосий мақсад ўқув муассасаларини янги дарсликлар билан таъминлаш, дарсликларнинг янги авлодини яратиш борасида мутахассис-педагоглар фикрини ўрганишдир.

Бундан ташқари, кўргазмада «Шарқ», «Маънавият», «Турон-иқбол», «Янгийўл полиграф сервис», «Янги аср авлоди», «Янги нашр», «Арт флекс» каби нашриётлар томонидан нашр этилган 310 номдаги адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар намойиш этилди.

Кўргазма Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда республикамизнинг барча вилоятларида 13 декабрга қадар давом этади.

Бектош ИСМОИЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

Муносиб тақдирланганлар

Тошкент вилояти

«ИФТИХОР»НИНГ САРДОРИ

Абдуллажон Султонов посбонлик фаолиятини эндигина бошлаган пайтлар эди. Маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналарнинг биридан 750 метр узунликдаги электр кабели ўғирлангани маълум бўлди. Посбон ўғирлик тафсилотлари билан танишиб чиқар экан, ҳудуддаги мураккаб хулқ-атворли шахсларни бирма-бир хаёлидан ўтказди. Юриш-туриши шубҳали бўлган икки йигитни зимдан кузатди. У янглишмаган эди, гумони тасдиқланиб, ўғирлик тезда фош этилди.

Бу воқеадан сўнг Абдуллажон маҳалла аҳли, айниқса, ёшлар орасида бўлиш, уларни яқиндан билиш посбон учун зарур вазифалардан эканини тушунди. Тарбияси оғир ёшларни, мураккаб хулқ-атворли шахсларни алоҳида рўйхатга олиб, улар билан доимий мулоқотда бўлди, суҳбатлар ўтказди. Маҳалла посбонлари ва профилактика инспекторларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли ҳудудда ўғирлик ҳолати бошқа қайд этилмади. Дарвоқе, Абдуллажон бошчилигидаги посбонлар ўтган йили қўшни ҳудудда содир этилган ўғирлик жиноятини очишга ҳам ёрдам беришди.

Тунда сабзавот бозори олдида сигир-бузоқ етаклаб кетаётган 25-30 ёшлар чамасидаги нотаниш йигитлар навбатчиликда турган посбонларда шубҳа уйғотди. Сўроққа тутилганда ўзларини Кўксаройдан деб таништирган йигитлар яшаш манзилларини аниқ айтолмай, талмовсираб қолишди. Маълум бўлишича, қорамоллар «Ҳасанбой» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли хонадонларнинг биридан ўғирлаб кетилаётган экан.

Мана, тўққиз йилдирки, Абдуллажон Султонов Тошкент тумани Келес шаҳри марказида жойлашган «Ифтихор» маҳалла фуқаролар йиғинида посбонлар сардори вазифасида фаолият кўрсатади. Туманнинг бир нечта йирик корхона ва ташкилоти, марказий ўйингоҳ, бозор, 11-умумтаълим мактаби шу маҳалла ҳудудида жойлашган. Шунингдек, бу ерда 30 га яқин савдо дўкони, хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд бўлиб, посбонларнинг иши ҳам, масъулияти ҳам шунга яраша.

Абдуллажон бошчилигидаги посбонлар 26 та йўналиш бўйича иш олиб бормоқдалар. Ҳудудда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар билан ишлаш, аҳолини диний-экстремистик ва бузғунчи ғоялар таъсиридан сақлаш сингари долзарб масалалар бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

— Маҳалламизда тинчлик-осойишталикни сақлаш ва соғлом муҳитни шакллантиришда Абдуллажон бошчилигидаги Ю.Эргашев, Р.Мирзаахмедов, З.Зайниддинов, М.Турсунов, М.Хўжаевлардан иборат посбонлар тузилмасининг алоҳида ўрни бор, — дейди фуқаролар йиғини раиси Миргофир Саъдиев, — Сардоримиз посбонлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлди. Бу маҳалладошларимизни беҳад қувонтирди.

Яқинда Абдуллажоннинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида у Президентимиз Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Юксак мукофот маҳалла тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек машаққатли, аммо шарафли юмушни ўз гарданига олган посбонлар сардорига рағбат, куч-ғайрат бергани, шубҳасиз.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
«Mahalla» мухбири.

«Mahalla» жавоб беради

Савол: **Мен кўп қаватли уйда истиқомат қиламан. Яқинда иситиш тизими ишга туширилгач, юқори қаватдаги хонадонда сув қувури ёрилиб, уйимга сув тошиб кетди. Бундан анча миқдорда моддий зарар кўрдим. Ушбу зарарни кимдан ундириб олишим мумкин?**

Б.Қодиров, Тошкент шаҳри.

Жавоб: *Агарда қўшнингиз билан етказилган зарарни қоплаш борасида келишувга келолмасангиз, у ҳолда уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари, уйбоши ва қўшнилар иштирокида далолатнома тузилади. Унда воқеа содир бўлган сана, қайси қурилма бузилганлиги ва у кимнинг тасарруфида эканлиги, сув оқиш сабаблари кўрсатилади. Уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари таъмирлашга кетадиган харажатлар сметасини тузиб, пул миқдорини кўрсатишлари керак. Шундан сўнг яшаш жойингиздаги фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қиласиз. Қўшнингиз қасддан ҳаракат қилмаган бўлса, суд унинг мулкий ҳолатини инобатга олиши ва ундириладиган пул миқдорини камайтириши мумкин.*

«Mahalla» жавоб беради

Савол: **Мен институтда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ҳозир бола парваришлаш учун таътилга чиққанман. Икки ёшгача фарзанди бор оналарга тўланадиган нафақа пулини олиш учун қаерга, қандай тартибда мурожаат қилишим керак?**

Ю.Хожиева, Хива шаҳри.

Жавоб: *Бюджет ташкилотларида ишлаётган оналарга болани парвариш қилиш бўйича нафақа она истиқомат қилувчи маҳалла фуқаролар йиғини томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган "Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида тайинланади ва тўланади. Сиз ушбу масала юзасидан ўзингиз яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғинига нафақа тайинланиши ҳақидаги ариза билан мурожаат этишингиз лозим. Аризага фарзандингизнинг туғилганлик гувоҳномаси, меҳнат дафтарчангизнинг нусхаси ва оила аъзоларингизнинг сўнгги ўн икки ой мобайнидаги даромади тўғрисидаги маълумотномани илова этишингиз зарур. Агар оилангизнинг умумий даромади ҳар бир оила аъзосига тақсимланганда энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан ошмаса, нафақа тайинланади.*

Тошкентда «Ҳизб-ут Таҳрир»нинг яширин уяси фош қилинди

Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида «Ҳизб-ут Таҳрир» диний-экстремистик ташкилотининг аёллар яширин уяси фош қилинди.

Яширин уя Тошкентнинг Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Нигора Иброҳимова ва Клара Раҳимоваларнинг пойтахт ички ишлар бошқармасига қилган мурожаати бўйича топилди. Мазкур мурожаатда Н.Иброҳимова ва К.Раҳимовалар ўзларининг Карима Ҳикматова ва Муҳаббат Содиқовалар томонидан аксилконституциявий, экстремистик фаолиятга жалб қилинганлиги ҳақида ёзишган.

Дастлабки тергов натижасида аниқланишича, 35 ёшли Карима Ҳикматова ва 26 ёшли Муҳаббат Содиқова «Ҳизб-ут Таҳрир» яширин экстремистик партиясининг пойтахтдаги Собир Раҳимов, Юнусобод ва Шайхонтоҳуртуманлари гуруҳларини бошқариб, алдов йўллари билан Нигора Иброҳимова ва Клара Раҳимоваларни ушбу ташкилотга аъзо қилишган. Карима Ҳикматова ва Муҳаббат Содиқовалар уларни яширин ташкилотга янги аёлларни жалб қилиш учун маблағ тўплаш ва аҳоли ўртасида диний-экстремистик адабиётларни тарқатишга мажбурлашган. Бунинг натижасида жиноий фаолиятга 27 тадан ортиқ хотин-қиз жалб этилган.

Карима Ҳикматова ва Муҳаббат Содиқоваларнинг айтишича, пойтахтдаги яширин тузилманинг тепасида «Ҳизб-ут Таҳрир»нинг хориждаги марказлари билан алоқадор, улардан тўғридан-тўғри кўрсатма оладиган шахслар туришади. Уларнинг айтишича, «Ҳизб-ут Таҳрир»нинг Тошкент шаҳри ва вилояти бўлимларини бошқараётган Дурдона Мирсоатова, Наргиза Миртолибова ва Фотима Эринбоевалар ана шундай шахслар тоифасидандир.

Карима Ҳикматова ва Муҳаббат Содиқоваларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари аниқ-равшан бўлса ҳам, аёлларнинг тавба-тазаррулари инобатга олиниб, уларга нисбатан жиноий жазо чоралари қўлланилмади.

Аёллардан шаҳардан чиқиб кетмаслик ҳақида ёзма ариза олинди, улар қариндошларининг ва маҳалла фаолларининг эътиборига топширилдилар.

Бизнингча, «Ҳизб-ут Таҳрир»нинг хорижий мафкурачилари Ўзбекистондаги вазиятни ўрганиб чиқиб, энди ўз ишини республика аёллари орқали амалга оширишни мақсад қилишган. Ўзбек аёлларини аксилконституциявий фаолиятга жалб қилаётиб, улар ёлланган хотин-қизлардан максимал даражада хуфя ишлашни талаб қилишган. «Ҳизб-ут Таҳрир»нинг ноябрда фош бўлган яширин уяси борасида ўтказилган дастлабки тергов пайтида экстремистик тузилмага аъзо аёлларнинг эрлари, болалари, қариндошлари, опа-сингиллари уларнинг аксилконституциявий ишлар билан шуғулланиб юришганини билмагани аниқланди.

Бундан ташқари, экстремистик партиянинг хорижий йўриқчилари Ўзбекистонда аёл кишига уй эгаси, она ва турмуш ўртоғи сифатида қаралишига, республика ҳукумати у ёки бу жиноий ишларни амалга оширган хотин-қизларга нисбатан инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда эканлигига диққат қилишган кўринади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари аксилконституциявий фаолиятга аралашиб қолган аёлларни олдинига огоҳлантиришади, бунинг оқибатлари ёмонлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришади, уларни қариндошларининг, маҳалла фаолларининг эътиборига топширишади.

Бироқ бу огоҳлантириш чоралари чегарасиз равишда давом этаверади дегани эмас. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари сабр косасининг ҳам охири бор: аёллар мазкур жиноятларни яна қилаверишса, уларга нисбатан жиноий жазо қўллашдан бошқа чора қолмайди. Акс ҳолда бундай аёллар жиноий фаолиятга яна қанчадан-қанча кишиларни жалб қилишлари мумкин.

«Ҳизб-ут Таҳрир»нинг хорижий ва маҳаллий фаоллари шуни эътиборга олишса яхши бўларди.

gorizont.uz

Жиззах вилояти

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Чет эл инвестицияларининг кенг жалб қилиниши натижасида юртимизда қўшма корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Яқинда Жиззах шаҳрида туркиялик ишбилармонларнинг 500 минг АҚШ долларига тенг сармоясига қурилиб, ишга туширилган «Эрияпласт» корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона бир кеча-кундузда 20 тоннага яқин иккиламчи хом-ашёни қайта ишлаб, пластик маҳсулотлар тайёрлаш қувватига эга. Салқин ичимликлар учун қўлланиладиган пластик идишлар яқин вақтгача ишлатиб бўлингач, уларни қайта ишлайдиган корхоналар йўқлиги туфайли чиқиндихонага улоқтирилар эди. Янги корхона ишга тушиши билан бунга барҳам берилди.

— Ўзбекистонда чет эл сармояларининг ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри киритилиши орқали инвесторларга қулай шарт-шароит яратиб берилгани биз каби хориж ишбилармонларини қувонтиради, — дейди корхона раҳбари Турхан Бугирет ўғли. — Бу самарали бизнес юритишнинг энг муҳим ва зарур шартидир. Айнан шу қулайлик, яъни инвесторлар учун имкониятлар эшиги кенг очилгани корхонамизнинг қисқа муддатда тўла қувват билан ишга тушишига сабаб бўлди. Ҳозирча Ўзбекистонда ягона бўлиб турган мазкур корхонанинг яқин келажакда Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларида ҳам филиалларини очишни режалаштирганмиз. Бу ўз навбатида иккиламчи хом-ашёни қайта ишлаш жараёнида узлуксизликни таъминлайди.

Айни пайтда «Эрияпласт» корхонасида 50 нафар ишчи ишлаётган бўлса, келаси йил бошидан корхонада ишчи ўрни 100 тага етказилади. 2009 йилдан корхона сунъий момиқ ишлаб чиқаришни бошлайди. Ҳозирданоқ ушбу хом-ашёга эҳтиёжи бор корхоналар билан шартномалар тузилмоқда.

«Эрияпласт» корхонасида ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотлар тез кунда Туркияга ҳамда Европанинг бир қатор мамлакатларига экспорт қилинади.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ДУНЁНИНГ ЭНГ ЁШ МИЛЛИАРДЕРИ

Дунёдаги энг ёш миллиардернинг ёши бор йўғи 23 да. 2004 йилнинг февралида Гарвард университетининг ётоқхонасида талаба Марк Цукерберг «Facebook» тармоғини ихтиро қилди.

Янги сайт Гарвард талабаларининг ўзаро алоқалари учун ўйлаб топилган эди, бугунги кунда унинг энг фаол иштирокчилари сони 66 миллион нафарни, йиллик савдоси 150 миллион долларни ташкил этмоқда.

«Facebook» тармоғи шуҳратининг шиддат билан ошиб бориши Маркни университетдан кетишга ва ўзи ўйлаб топган тармоқ билан буткул банд бўлишга мажбур қилди. Лойиҳанинг биринчи сармоячиси «PayPal» савдо тизими ташкилотчиларидан бири Питер Тиль 500 минг доллар тикди, унга бошқалар ҳам эргашишди. Ўтган йилнинг октябрь ойида «Microsoft» компанияси «Facebook»нинг 1,6 фоиз акциясини 240 миллион долларга сотиб олди. Ушбу сумма эвазига у 2011 йилгача «Facebook» сайтидаги рекламаларни сотишга рухсат берилган алоҳида ҳуқуқни ҳам қўлга киритди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда «Facebook»нинг қиймати 15 миллиард доллар, компаниянинг 27 фоиз акциясига эгалик қилувчи Марк Цукерберг эса 4 миллиард доллар соҳибидир. Таққослаш учун айтиб ўтамиз: АвтоВАЗ заводини «Renault»га «айлантириш» учун 4,5 миллиард атрофида маблағ жалб қилинган эди.

«Forbes» журнали бир қатор таҳлилчилар ва сармоядорлар фикрларига таянган ҳолда Маркнинг сармоясини "бор йўғи" 1,5 миллиард доллар деб кўрсатган ва уни дунё бойлари рўйхатининг 785-си сифатида келтирган. Лекин бу ҳам Марк Цукербергнинг дунёдаги энг ёш миллиардер бўлишига халақит бермади.

МАЙКЛ ЖЕКСОН ЕРИДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Майкл Жексоннинг қарзга ботганига анча бўлди. Шу боис у Калифорнияда жойлашган мулки — «Неверленд» ранчосидан фойдаланиш бўйича барча ҳуқуқларни "Sycamore Valley Ranch" компаниясига топширишга мажбур бўлди.

Ушбу ранчога хонанда 1988 йилда эга бўлган эди. Ўшанда уч минг акр ер унга 30 миллион долларга тушганди. Майкл жуда тез суратда бу ҳудудга атракционлар ўрнатиб, ўзининг хусусий ҳайвонот боғи ҳамда ҳашаматли сарой барпо этган эди.

2005 йилдаёқ ушбу мулк Майклдан ҳозиргача узилмай келинаётган қарзлари бадалига мусодара этилганди. Ўшанда у 24,5 миллион доллар тўлаши керак эди. Лекин қашшоқлашиб қолган "қирол" бунча пулни топа олмади. Хонанданинг йиллик харажатларини бугунга келиб 30 миллион доллар дея ҳисоблашмоқда. «Неверленд» эвазига у яна 300 миллион долларлик бошқа турли кредитларидан ҳам қутилмоқда.

Ушбу муҳташам "Калифорния парчаси"га ўша ернинг ўзидаёқ харидорлар топилди. Голливудда узоқ вақтдан буён Брэд Питт-Анжелина Жоли оиласи йилдан йилга катталашиб бормоқда, «Неверленд»ни улар ўз болалари учун сотиб олишади, деган миш-миш юрарди, бироқ унақа бўлмади.

Жексон ўз қироллигини Нью-Йоркдаги «Sycamore Valley Ranch» инвестиция компаниясига сотди. Энди ранчо мазкур компания номи билан аталса ажаб эмас.

ЖАМОЛУНГМА ЧЎҚҚИСИНИ ЗАБТ ЭТДИ

Яқинда репатриация муносабати билан Эфиопиядан ватанига қайтган исроиллик параолимпиада иштирокчиси, кўзи туғма ожиз бўлган Беза Набаба тадбиркор Офера Бен-Дора ва бир гуруҳ ҳомийлар кўмагида Эверест чўққисини забт этди.

Беза 7 ёшлигида ватанига қайтган эди. 13 ёшида у ногиронларга спорт соҳасида ўзини намоён этишда ёрдам берадиган «Этгарим» ташкилоти билан боғланди. Аввалига у велоспорт билан, кейинроқ эса марафон югуриш билан шуғулланиб, ушбу йўналишга ихтисослашди.

Беза Набаба Пекиндаги параолимпиада ўйинлари тугаши билан жароҳат олганига қарамай Жамолунгма сари отланди. Ҳимолай тоғига сафар унга Офера Бен-Дораниг урушда ҳалок бўлган акаси хотираси учун қилган совғаси эди.

Дунёнинг энг юқори чўққисига кўзи ожизларнинг «кўз тикиши» 2001 йил май ойида бошланган эди. Мазкур чўққини забт этган илк кўзи ожиз альпинист америкалик 32 ёшли Эрик Вайхенмайердир. Уни мазкур чўққини забт этган энг кекса альпинист 64 ёшли Шерман Булл кузатиб борди. Эрик Шерманнинг кийимларига ўрнатилган қўнғироқчалар жарангини эшитиб мўлжал олганди.

ЭНГ «ОЛА-ТАСИР» КОМПОЗИЦИЯ

Афсонавий Битлз (Beatles) гуруҳининг иштирокчиси жаноб Пол Маккартни гуруҳнинг 14 дақиқалик "Тонг карнавали" деб номланган мусиқий асарини намойиш этиш вақти келгани ҳақида эълон қилди. Мазкур асар илк бор Лондондаги электрон мусиқа танловида жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган эди. Кейинчалик ушбу мусиқани афсонавий тўртовлон яна "тўполон" билан бой".

Композиция 1967 йил 5 январда «Abbey Road» овоз ёзиш студиясида «Penny Lane» қўшиғига ёзилган эди. Ушбу антиқа мусиқий тажриба гитара ва орган наволари билан бирга барабанлар гумбурлащи, ҳуштаклар, турли овозлар, Маккартни ва Жон Леннон томонидан «ижро» этилган «Барселона!», «Ҳаммаси жойидами?» деган қийқириқларни ҳам ўзида жамлаган.

Маккартнининг сўзларига кўра, ушбу мусиқа ёзилаётган пайтда у дўстларидан ўзларини эркин тутишларини, хаёлга нима келса, унинг қанақа чиқишини умуман ўйламай, ҳеч қандай қоидага риоя этмай чалиш ва бақириб ижро этишларини сўраган.

У «Битлз»нинг ушбу мусиқий асари жамоатчиликни қизиқтиради, деб ҳисоблайди. Пол Маккартни "Тонг карнавали" дунё юзини кўрар экан, омма «ливерпуллик тўртовлон»нинг улар ўйлаганидан анчагина шўх ва «тўполончи» бўлишганини англашларига амин эканлигини билдирди.

Машҳур гуруҳ иштирокчиси «Битлз»нинг бошқа аъзолари ҳам ушбу мусиқани намойиш этишга рози бўлишига ишонишини айтмоқда.

Б.САИДОВ тайёрлади.

Андижон вилояти

Қўшариқда янги бозор

Андижон шаҳридаги Қўшариқ даҳасида янги Сойбўйи деҳқон бозори ишга туширилди. Янги бозорда 134 савдо ўрни ва ўндан ортиқ савдо расталари ташкил этилиб, сотувчилар ва харидорларга қулайлик яратилди. Шунингдек, саноат, озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари ва иккита дорихона аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: *Сойбўйи деҳқон бозорида савдосотиқ авжида.*

Ш.ОЛИМОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Хоразм вилояти

ФЕРМЕРЛАР ҲИММАТИ

Янгибозор туманидаги Бошқирших қишлоғи кундан-кунга чирой очмоқда. Қишлоқнинг 148 нафар фермери даромадларининг соф фойдаси ҳисобидан йиғиндаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини бошлаб юборишган.

— «Истиқлол», «Аму-Сир», «Матназар», «Мақсад», «Дилдора», «Ота Нор» каби фермер хўжаликлари томонидан олиб борилаётган хайру саховат, бунёдкорлик ишлари алоҳида таҳсинга лойиқ, — дейди Бошқирших қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сайдамат Сафаров. — Ҳиммати баланд фермерларимиз кўмаги билан қишлоғимиздаги мактаб биноси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Маҳалла гузарида қад ростлаган тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда 850 ўринга мўлжалланган тўйхона биноси маҳалладошлар учун ажойиб туҳфа бўлди. Бундан ташқари, икки километр масофадаги йўлга асфальт ётқизилди. Узунлиги уч километр бўлган сув узатиш қувури ўрнатилиб, аҳолининг ичимлик сувга бўлган талаби қондирилди.

Буларнинг барчаси воҳа аҳлининг меҳнатсеварлиги, фермеру тадбиркорларнинг уддабуронлиги, қолаверса, қишлоқ аҳлининг ҳамжиҳатлиги самарасидандир.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Қилмиш — қидирмиш

Панжара ортига тушгач

афсус-надоматлар фойда бермайди

Орамизда бировнинг мол-мулкини фирибгарлик йўли билан эгаллашга уринаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Оммавий ахборот воситаларида ва жойларда ўтказилаётган тадбирларда мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилаётгани, огоҳликка чақирилаётганига қарамай, айрим кишилар содда ёки ишонувчанлиги туфайли фирибгарларнинг усталик билан тўқиган тузоғига илиниб қолишмоқда.

... Қашқадарёлик Бахтиёр Ўроқов ўзига жуда бино қўйган, ҳийла-найранг бобида шайтонга ҳам дарс беришга қодирман, дегувчилардан эди. Унинг ўзига бўлган ишончи панжара ортига тушгач, дарз кетган бўлса, ажабмас.

Бу кимса аввал ҳам жиноят содир этиб, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой ва Чилонзор туманлари судларининг ҳукмига кўра 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Шунда ҳам унга тўғри хулоса чиқариши учун имкон берилиб, «Амнистия тўғрисида»ги Фармонга асосан муддатидан аввал озодликка чиқарилди. Афсуски, ўрганган кўнгил ўртанса, қўймас экан. Осон йўл билан бойлик орттириш васвасасига учраган Бахтиёр қайта жиноятга қўл урар экан, тўрт нафар фарзанди ва уларнинг тақдири ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

У 2006 йилнинг июлида Сергели туманида жойлашган тиббиёт коллежига қизининг ҳужжатларини топшириш учун олиб борди. Шу ерда у курсдоши Т.Элибоевни учратиб қолди. У ҳам қизининг ҳужжатларини коллежга топшириш учун олиб келган, лекин баъзи камчиликлар туфайли ҳужжатлар қабул қилинмаётган экан.

— Бу масалада ёрдам беришим мумкин. Менга телефон рақамингни ёзиб бер, ўзим сенга қўнғироқ қиламан, — деди Бахтиёр курсдошига.

Бир неча кундан сўнг Бахтиёр дўстига қўнғироқ қилиб, юқори лавозимда ишлайдиган таниши билан гаплашиб, қизини 300 минг сўм эвазига ўқишга киритаётганини, хоҳласа, унинг ишини ҳам тўғрилаб бериши мумкинлиги айтди. Т.Элибоев 2006 йил 15 июль куни Мирзо Улуғбек тумани Қорасув даҳасида жойлашган «Наврўз» кафеси олдида Бахтиёр билан учрашиб, айтилган пулни берди. Буни қарангки, қизи ўқишга кириб, Т.Элибоевнинг дўстига ишончи ортди, дарҳол қўнғироқ қилиб, миннатдорчилик билдирди. Аслида бу ишга Бахтиёрнинг заррача алоқаси йўқ эди — бу ҳақда у ҳеч ким билан келишмаган, пулни эса ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганди. Гап орасида Т. Элибоев ўғли Тошкент Молия институтига ўқишга киролмаганини айтиб, уни ҳам «қўшимча ўрин»лардан бирига «илинтириб» қўйишни илтимос қилди. Бу таклиф Бахтиёр учун айни муддао бўлди, «Гап бўлиши мумкинмас. 500 АҚШ долларини тайёрлаб, ўғлим ўқишга кирди, деб ҳисоблайвер», дея ваъдани нақд қилди. Шу куниёқ иккови учрашиб, Бахтиёр айтилган миқдордаги пулни олиб кетишга ҳам улгурди. Т.Элибоев уддабурон дўстидан яна бир бор фойдаланиб қолиш илинжида ўзини «Тошкент ёг-мой» комбинатига ишга жойлаштириб қўйишини сўради. Бунинг эвазига дўсти ундан яна 40 минг сўмни қуртдек санаб олар экан, ҳар қандай юмушни «ҳал» қилиб беришга қодир эканини писанда қилиб қўйди. Дўстининг дасти узунлигига шубҳа қилмаган Т.Элибоев қариндош-уруғларини ҳам бу имконият-дан фойдаланиб қолишга ундади. Куёви Н.Бурановни Сергели тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасига ишга жойлаштириб қўйиш учун қанча харажат кераклиги билан қизикди. Бахтиёр 5000 АҚШ доллари зарур бўлишини, пулнинг бир қисмини олдиндан бериш лозимлигини айтди. Ишнинг хамирдан қил суғургандек тез ва осон битаётганидан хурсанд бўлган Н.Буранов таниш-билишлардан қарз-ҳавола қилиб, 500 АҚШ доллари ва 600 минг сўм пулни Бахтиёрга тутқазди. Фирибгарнинг қутқуси билан бўлажак «ўринбосар» уч кун ичида шахсий ҳужжатларини тахт қилиб, суҳбатга тайёр бўлиб турди.

Фирибгарнинг кейинги ўлжаси ҳам бегона эмас — Т.Элибоевнинг укаси бўлди. Курсдош дўстининг қўлидан келмаган иш йўқлигини айтиб, мақтайвергач, ука акасига дил ёрди:

— Ака, ўша оғайнингиз мени божхона хизматига ишга жойлаштириб қўймасмикан? Махсус форма кийиш бир умрлик орзуим-да...

Т.Элибоев ҳаялламай дўсти билан гаплашди. Бахтиёр бу иш менга чўт эмас дегандек, қўл силкиди. Бунинг учун бор-йўғи 200 минг сўм сарфлаш кифоя эканини айтди. Бу пул ҳам фирибгарнинг жиғилдонидан силлиққина ўтиб кетди.

Т.Элибов ўғлининг ўқиши ва ўзининг иши ҳал бўлишини, укасининг махсус кийим кийишни Н.Буранов суҳбатга чақирилишини, кутавериб, тоқати тоқ бўлди. Бахтиёр эса дом-даракси кетган эди. Мол аччиғи — жон аччиғи, дегандек, жабрланувчилар ўзаро маслаҳатлашиб, ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат этишди.

2008 йил 3 март куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг судья И.Мамарайимов раислигида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Б.Ўроқова оид жиноят иши кўриб чиқилди ва айбдорга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ушбу жиноятнинг сабаблари таҳлил этилса, унинг содир этилишида жабрланувчиларнинг ҳам ҳиссаси борлиги аён бўлади. Т.Элибоев ўзининг чув тушгани етмагандек, қариндошларини ҳам бу можарога жалб этиб, фирибгарнинг тегирмонига сув қуйган. Элибоев сингари инсонларнинг «беминнат хизмати» одатда, фирибгарларнинг мақсадларини рўёбга чиқариш учун воситага айланиб қолади. Қиссадан ҳисса шуки, йиққан-терганимизни бировга қўшқўллаб тутқазишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўрмоқ лозим.

Рустам ИСОҚОВ,
Ҳамза тумани ИИБ Тергов бўлими терговчиси, капитан.

Жиззах вилояти

БЕПУЛ ДОРИЛАР ТАРҚАТИЛДИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда умумий қиймати йигирма етти миллион сўмга тенг бўлган дори-дармон воситалари вилоят эндокринология диспансерига оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун хайрия тариқасида топширилди.

"Соғлом авлод учун" хайрия халқаро жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Нодира Каримованинг таъкидлашича, бундай хайрия тадбирлари бундан кейин ҳам давом эттирилади. Белгиланган иш режасига асосланиб, шаҳар ва туман маҳаллаларида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, мазкур ташкилотлар томонидан Жиззах шаҳри, Жиззах, Зафаробод, Ғаллаорол ҳамда Фориш туманларида истиқомат қилувчи 33 нафар бемор болаларга зарур дори-дармонлар бепул тарқатилди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

«Mahalla» меҳмони

«МЕНИ ҲАЁТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРЛАГАН ҲАМ, ТАНИҚЛИ ҚИЛГАН ҲАМ МАҲАЛЛАМ»

— дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов

Эркин Комилов Ўзбек миллий академик драма театрининг маҳоратли актёрларидан бири. У Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» асаридаги Азиз Қосимов, Уйғуннинг «Беруний» драмасидаги Абу Али ибн Сино, Островскийнинг «Ҳар тўкисда бир айб» асаридаги Глумов, Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» драмасидаги Қиличбек, жаҳон классик драматургиясининг асосчиларидан бири Шиллернинг «Қароқчилар» асаридаги Карл Моор роллари орқали санъат ихлосмандларига яхши таниш.

Тошкент театр ва рассомчилик институти (ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат институти)ни тугатган актёр шу пайтга қадар кинода 40 дан ортиқ, театр саҳналарида эса 100 дан зиёд ролларни зўр маҳорат билан ижро этган.

— Эркин ака, анъанага кўра, суҳбатни ҳар бир меҳмонимизнинг маҳалла тўғрисидаги фикрларини билишдан бошлардик. Тажрибали ва моҳир актёр сифатида сиз билан суҳбатни бошқачароқ, яъни маҳалла муҳитида театр ва санъатга бўлган муносабатдан бошласак.

— Маҳалла ҳақида гап кетганда, аввало, ўзим туғилиб ўсган маскан — Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида жойлашган Куфа қишлоғи (ҳозирги номи Дўстлик) кўз ўнгимда гавдаланади. У вақтда ҳозиргидек технология тараққий этмаган, электр энергияси қишлоқларга энди-энди кириб келаётган пайтлар эди. Маҳалладаги қўни-қўшнилар, ёш йигит-қизлар тўпланишиб шеърхонлик, ғазалхонлик кечаларини ўтказишарди. Бундай адабий учрашувлар, ёшлар гурунги кўпинча бизнинг хонадонда ташкил этиларди. Ўз даврининг илмли кишиларидан бўлган отам Комил қори (маҳалладошлар у кишини шундай аташарди) бизга турли қизиқарли ҳикматлар, Алишер Навоий, ва Бобур ғазалларидан ўқиб берардилар. Мен ва тенгқурларим отамни шунчалик берилиб тингларидикки; вақт алламаҳал бўлганини сезмай ҳам қолардик. Ниҳоят, ҳамма уй-уйига тарқалгач, отам китобларни похолга ўраб, уйимиз ичидан ковланган чуқурга эҳтиёткорлик билан кўмиб қўярди. Мен китоблар токча ёки сандиқда турса бўлмасмикин, деб ўйлардим. Бир куни бу ҳақда отамдан сўраганимда у: бир кун келиб ҳаммасини тушуниб оласан», дегандилар. Энди ўйлаб қарасам, ўша китоблар Қуръони Каримнинг тафсирлари, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари адибларимизнинг дурдона асарлари экан. Яна бир воқеа ҳечам ёдимдан чиқмайди. Айни пишиқчилик пайти. Маҳалламизга дорбозлар келиб томоша кўрсатишди. Уларнинг бир ҳафта давомида илон ўйнатиш, оловдан сакраш, арқонда юриш каби қизиқарли томошалари анча вақтгача биз, қишлоқ болаларининг тилидан тушмай юрди...

Бир куни онамга яна шунақа томоша кўраман, деб хархаша қила бошладим. Онам оҳори тўкилмаган кийимларимни кийдириб: «Юр, сени бир жойга олиб бораман», деб қўлимдан етакладилар. Анча яёв юрганимиздан кейин одамлар тўпланиб турган жойдан ичкарига кирдик. Қоронғу, зах йўлакдан бораркан-миз, ойим қўллари билан пайпаслаб мени омонатгина ўриндиққа ўтиргиздилар. Саҳнада қилич, қалқон кўтарган кишилар бир-бирлари билан жанг қилишарди. Ўшанда саҳнадаги ҳар бир қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини болаларча ҳайрат билан кузатганим худди кечагидек ёдимда. Кейин билсам, биз борган ўша даргоҳ қўшни Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги драма театри бўлиб, ўшанда саҳнада «Равшан ва Зулхумор» спектакли намойиш этилаётган экан. Орадан йиллар ўтди. Болаликдаги театр санъатига бўлган ўша қизиқишим мени Тошкентга, санъат олийгоҳига етаклади. Саҳнада илк бор режиссёр Тошхўжа Хўжаев (марҳум) саҳналаштирган Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмасида Аваз ролини ўйнадим.

Демоқчиманки, санъат ва театр маҳалла ҳаётидан ташқарида бўлмаган. Аксинча, халқ, миллат руҳига гоҳ ғоявий, гоҳ маънавий тарзда сингиб борган. Менимча, театр ва санъатнинг илк кўринишлари эски маҳаллаларда намойиш этилган, шаклланмаган тарзда уюштирилган томошаларда акс этган. Айнан ўша томошалар халқимизга ўнлаб театр ва санъат дарғаларини етиштириб бергани ёки туртки бўлгани шубҳасиз. Шу маънода халқимиз театрни, санъатни доимо қадрлаб келган.

— Эътиборли жиҳати, сиз яратган образлар ҳам маҳалла одамлари ҳаётидан узоқ эмас. Ҳатто эпизодлардаги иштирокингизни санъат ихлосмандлари аллақачон хотиларига муҳрлаб қўйишган...

— Ҳаммамиз севиб томоша қиладиган «Суюнчи» фильмида кичик бир эпизод бор: маҳалла пешвоси Анзират буви одамларни тўплаб кўприк қурилишига киришади. Бундан хабар топган хўжалик раиси (яъни мен ижро этган роль) гарчи кўнгилда бошқа нарсани ўйлаб келса-да, «хорма-хорма» билан одамларга қўшилиб ҳашарлашади. Айтиладиган гап эса кейинроқ, Анзират буви билан алоҳида суҳбатда айтилади. Мана маҳалла ҳаётининг ўзига хос ва ибратли кўриниши.

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувида кўпинча маҳалла оқсоқоли ролини ижро этганман. Халқнинг дардини тушунадиган, инсонларни ўзининг ортидан эргаштира оладиган, оқсоқоллар ролини ич-ичимдан ҳис қилиб ўйнаганман. Ҳақиқий маҳалла оқсоқоли қиёфасини яратишда юқоридаги каби хислатларга эга бўлган, ҳаётнинг пасту баландини яхши тушунадиган, тажрибали отахонларимиз фаолияти менга жуда асқотган. Қолаверса, оқсоқол образи орқали оилага, маҳаллага бўлган муносабатимни ифодалашга ҳаракат қилганман.

— Миллий қадриятларимиз, ифода этган тўйлар, тантаналар, урф-одатларимиз кўп. Бундай тадбирларда сизни таъсирлантирадиган воқеалар учраб турса керак?

— Энг кўп таъсирланганим — халқимизнинг яхши кунлари кўплигида. Ўзбекчилик қизиқ-да, қувончини ҳеч ким ёлғиз баҳам кўрмайди, тўй қилади. Тўйларимиз кўп: келин тўй, хатна тўй, фотиҳа тўй, уй тўй. Буларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Бироқ баъзи ҳолларда дабдабабозликка берилиб кетганимизни билмай қоламиз. Набирали бўлган бир дўстим яқинда дабдабали тарзда бешик тўйи ўтказди. Оғайним анча йиллардан буён ўғил набира кутган, орзуси ушалганидан қувончи ичига сиғмасди. Шунинг учунми, у бор-будини бешик тўйга сарфлади. Дастурхон сероб, чақалоққа қилинган сарпо-суруқларни эса сўраманг. Энг қизиғи, «янги меҳмон» бешикка эмас, хорижда ишлаб чиқарилган каравотга ётқизилади!.. Биласизми, ўша пайт хаёлимда бир савол туғилди: «Дабдабага ўч айрим келинлар боласини бешикка солиб, икки қатор алла айтишни билармикин?!» Менимча, билишмайди.

Инсон яралгандан буён бу сеҳрли, илоҳий қўшиқ — алла тилдан тушмай, асрлардан асрларга ўтиб келмоқда. Бу дунёнинг ташвишларидан зериксам ёки бирон ютуққа эришсам, раҳматли онамдан алла айтиб беришларини сўрардим. Онам ҳам эринмасдан хиргойи қилиб ўтирардилар. Нега? Чунки аллада ҳикмат кўп. Уни эшитиб улғайган бола бировнинг дилига озор бермайди. Демоқчиманки, қизларимиз, келинларимиз она бўлганларида алла айтишни, албатта, ўрганишлари керак. Аслида, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат ҳам ана шу алладан бошланади.

Санъаткорни юксакка кўтарадиган ҳам, ерга тушириб қўядиган ҳам халқ. Мен буни қирқ йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман. Театр деб аталмиш муқаддас даргоҳга қадам қўйганимда бу гапни илк бор устозларим Шукур Бурхонов (марҳум), Обид Юнусовлар қулоғимга қўрғошиндек қуйишган. «Гирдоб» видеофильмидаги Азиз Қосимов образи мени халққа танитди. Шу ролим туфайли вилоятларга чиқиб, ижодий учрашувлар ўтказадиган бўлдим. Ҳозир ҳам ҳар йили сентябрь, октябрь ойларида ижодий сафарлар уюштириб турамиз. Яқинда Сирдарё, шунингдек, Тошкент вилоятининг Бўка, Бўстонлиқ, Олмалиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларидаги ўнлаб маҳаллаларда бўлиб, содда ва самимий қишлоқ аҳли, маҳалладошлар билан мириқиб суҳбатлашдик. Тағин касбим тақозосига кўра, Англия, Шимолий Ирландия, Шотландия, Туркия, Ҳиндистон, Хитой давлатларида ҳам бўлганман. Жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг табиати, ҳар қарич ери, ҳар томчи суви нақадар азизлигини ўша хорижий юртларда дилдан ҳис қилганман. Шунинг учун юртимизнинг турли гўшаларида истиқомат қилаётган барча маҳалладошлар билан дилдан суҳбат қургим келаверади.

Бугун истиқлол шарофати билан маҳаллаларга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Юртимизнинг қай бир гўшасига бормай, бир-биридан обод маҳаллаларни, уларда бир оиладек аҳил-иноқликда истиқомат қилаётган, таълим-тарбия олаётган билимли, истеъдодли ёшларни кўриб хурсанд бўлиб кетаман. Негаки, инсон қалбидаги барча олижаноб туйғулар, эзгу ниятлар, аввало, маҳалла муҳитида шаклланади, камол топади. Шу маънода, мени ҳаёт синовларига тайёрлаган ҳам, эл-юртга таниқли қилган ҳам маҳалламдир.

Бектош ИСМОИЛОВ суҳбатлашди.

Муштарий илҳоми

Гар оқсоқол бўлсангиз...

Энг аввало, кўз, дийдангиз тўқ бўлсин,
Кўнглингиз оқ, гина-кудурат йўқ бўлсин,
Элга берар меҳрингиз бир чўғ бўлсин!
Маҳаллага гар оқсоқол бўлсангиз.

Каттага каттаю, кичикка кичик,
Ҳамиятли бўлинг, тилингиз чучук,
Оқар дарё бўлинг, гоҳида кечик,
Маҳаллага гар оқсоқол бўлсангиз.

Бировни ука денг, бировни ака
Тартибли, тежамли ўтсин маърака,
Сиз кирган рўзғорга кирсин барака,
Маҳаллага гар оқсоқол бўлсангиз.

Гузару кўчангиз саришта сақланг,
Маҳалла шаънию ҳурматин сақланг,
Эл-юрт ишончини ҳамиша оқланг,
Маҳаллага гар оқсоқол бўлсангиз.

Турди ҲАЙДАР,
Қарши шаҳридаги «Чақар» маҳалласи фахрийси.

Кўргазма

САЛОМАТЛИКДА "БОЛАЛАР ҲУДУДИ"

Пойтахтимизнинг "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Болалик ҳудуди" номли халқаро кўргазма бўлиб ўтди.



Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Тадбир "Зар-Экспо" корхонаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзфармсаноат", Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тадбиркор ва ишбилармон аёллар уюшмаси, Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилган бўлиб, хорижий ва қўшни мамлакатлар билан иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни тиклаш, ишлаб чиқариш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ўтказилди. Унда Россия, Покистон, Сурия, Арабистон каби давлатларнинг фармацевтика корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Жумладан, Сириянинг «Kimi» ва «Shifa pharma», Россиянинг «Фора-Фарм» корхоналари ўз дори-дармонларини намойиш қилиш қаторида, ўзбекистонлик фармацевт мутахассисларга бу борада ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш таклифини билдирди. Кўргазмада тиббиёт ходимлари ва турли соҳа мутахассислари соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишди.

Кўргазманинг «Болалик ҳудуди» деб номланган иккинчи қисми оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга бағишланган бўлиб, гўдак болалар учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари ва фойдали маслаҳатлар жамланган қўлланмалар тақдим этилди. Айниқса, Москва шаҳридаги «Весна» корхонасининг қўғирчоқларидаги миллийлик, «Континент детство» либосларидаги сифат ва ёрқинлик, «Оранжевый слон» корхонасининг ёш болалар дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган, ўта қулай ва зарарсиз янги турдаги ўйинчоқлари кўргазма томошабинларида катта қизиқиш уйғотди.

Фарзандларини қўшимча маҳсулотлар билан озиқлантириш жараёнида сифатли маҳсулотни танлай билиш муаммоси ҳар бир онани ўйлантиради. Кўргазмада намойиш этилган маҳсулотлар ва бу борадаги маслаҳатлар ёритилган каталоглар оналарга кўмакчи бўлиши мумкин.

— Корхонамиз Голландияда ташкил этилган бўлишига қарамай, ҳозирда 120 дан ортиқ давлатлар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларимиз мавжуд. Асосий маҳсулотларимиз — турли минералларга бой бўлган бўтқа ва аралашмалар 3 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, боланинг соғлом ўсишини таъминлайди, — дейди «Nutrika» ва «Малютка» корхоналарининг тиббиёт вакили Шаҳноза Абдушукурова.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
"Mahalla" мухбири.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда тежамлироқ бўлганингиз маъқул. Акс ҳолда ҳафта охирига бориб молиявий аҳволингиз қийинлашиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

СИГИР(22.04-20.05)

Асосий эътиборингизни оилавий муаммоларни ҳал этишга қаратинг. Оила ҳамма нарсадан устун эканлигинини асло унутманг.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Ҳафта бу бурж вакиллари учун жуда омадли келади. Айниқса, пайшанба ва жума кунлари сиз учун қизиқарли учрашувларга бой бўлиши кутилмоқда.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Душанба куни кўнгилсиз воқеа содир бўлиши мумкин. Тушкунликка тушманг. Ахир ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади, дейишади-ку.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Соғлиғингизга алоҳида эътибор қаратганингиз маъқул. Рўзғор ташвишларини ўйлайвериб, асабларингизни толиқтириб қўйманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Мазкур буржнинг ҳали оила қурмаган вакиллари ўз севгисини учратишлари мумкин. Бахт қушини қўлдан чиқариб юборманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ҳафтанинг иккинчи ярми олди-сотди ишларини амалга ошириш учун жуда қулай. Дам олиш кунлари сафарга чиқишни режалаштирмаганингиз маъқул.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Кўп йиллик тинимсиз меҳнатларингиз ўз самарасини бериши кутилмоқда. Мўмайгина даромад соҳибига айланишингиз мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Кўпдан буён режалаштираётган ишларингизни ҳаётга татбиқ қилиш вақти келди. Фақат шерик танлашдан олдин уни синаб кўришни унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Кайфиятингиз ҳар доимгидан кўра кўтаринки бўлади. Бу шахсий ҳаётингиздаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Сўнгги пайтларда оилангиздан анча узоқлашиб қолгансиз. Бу ўзингизга сезилмаслиги мумкин. Шу боис дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Яқин кунларда ўз устингизда ишлаш учун қулай имконият туғилади. Ундан унумли фойдаланиб қолсангиз, тез кунларда бу фаолиятингизда асқотиши мумкин.

Қишлоқ анъаналари

ТАНДИРИ БУТ ХОНАДОН

бу ерда бир кунда 12 хилдаги ўн мингга яқин нон тайёрланади

Бахмал туманининг Ойқор тоғи этагида истиқомат қилувчи аҳоли «Ойқордан қор кетмасин, дастурхондан нон!», дея фотиҳа ўқишни одатга айлантиришган. Ҳар бир жойнинг ўзига хос жиҳати бўлганидек, қирққишлоқликлар тайёрлайдиган сарёғли патир каби тотли неъматни бошқа жойда учратолмайсиз.

Ойтоғ этагидаги Қирққишлоқда истиқомат қилувчи Тошпўлат Бекмуродовнинг хонадонида уй бекаси Ҳикматой опа тонг саҳарда шундай патир ёпганини кузатган эдим. Ҳикматой опа 5-6 кг гуручдан палов дамлашга мўлжалланган катта қозонни ёғлаб, сутга қорилган хамирдан патир ёпаётганини кўриб, ҳайрон қолгандим ўшанда. Дастурхонга тортилган ёқимли нон иси димоқларни қитиқлар, патирга солинган сарёғ иссиқ нон тафтида эриб, ўзгача маза ҳосил қилар эди. Патирнинг қандай тайёрланишини уй бекаси эринмай сўзлаб берди:

— Хамирни қориш учун 2 литр сут, 6 кг аъло навли ун керак бўлади. Аммо тайёрлаш ва пишириш жараёни кўп вақтни талаб этади. Айниқса, қозонга ёпилган нонниг таги олмаслиги учун нон тутқич билан ушлаб айлантириб турилиши жуда муҳим.

Тошпўлат ака меҳмонларни шундай патир билан сийлаш қишлоқ анъаналаридан эканлигини сўзлаб берди.

Аслида бундай патир ёпишнинг алоҳида сири йўқ. Бу жараёнга меҳр билан ёндашилса, кифоя. Балки сўлим Бахмал табиати нонниг бунчалик ширин бўлишига омил бўлар...

«Маҳалла» жамғармасининг Жиззах шаҳар бўлинмаси раиси Меҳри Умарова билан новвойлар кўчасидан ўтиб борар эканмиз, ҳозиргина тандирдан узилган нонниг ҳиди димоғимизга урилди.

Умрини новвойликка бағишлаган 80 ёшли Алибобо отанинг уйида бу хусусдаги суҳбатимиз яна давом этди. Отахон бир эмас, тўртта новвойхона ишини йўлга қўйиб, фарзандлари ва невараларига новвойлик ҳунарини мукаммал ўргатган экан.

— Бир кунда 12 хилдаги ўн мингга яқин нон ва нон маҳсулотлари тайёрланяпти, — дейди отахон. — Айниқса, оби нон, жиззали, қиймали нонлар харидоргир. Фақат бизнинг новвойхоналарда ёпиладиган патир ҳам бор, уни яхши ният билан "Тўёна" деб номлаганмиз. Нону патирларимиз нафақат Жиззах шаҳрида, балки қўшни вилоятларда ҳам машҳур.

Ҳаётимда уруш ва очарчилик йилларини кўрдим. Оддий кепак унидан ёпилган нон тафтини ойлаб соғиниб яшаган пайтларимиз бўлган. Ҳозирги тўкинчилик, аввало, юртимиз тинчлиги, қолаверса, элнинг меҳнати шарофатидан. Мустақил юртимиздаги фаровон ҳаётга шукроналар айтиб, муқаддас неъматнинг қадрига етиб яшасак, ризқимиз мўл, хонадонимиздан барака аримайди, — дейди отахон.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Жиззах вилояти

Андижон вилояти

Газетхон эътирофи

"Mahalla"ГА МЕҲРИМ БЎЛАКЧА

Республикамиздаги вақтли матбуот нашрлари орасида "Mahalla" газетаси мақолаларининг ўзига хослиги, мазмунан бой ва ёшу қарига бирдек қизиқарли эканлиги билан ажралиб туради. Шу боис, унинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутаман, қизиқиш билан ўқиб бораман. Айниқса, кундалик меҳнатдан сўнг "Mahalla"ни қўлимга олсам, чарчоқларимни ҳам унутиб юбораман.

Газетада чоп этилган бир қатор мақолалар, жумладан, "Қувончингни туйдим, ташвишингни суйдим, маҳаллам", "Деворга битилган мавзу", "Номусга тажовуз", "Саробга алданганлар сабоқ бўлса-чи, бизга!" сарлавҳали мақолалар мавзусининг долзарблиги билан ўқувчининг эътиборини тортади. Албатта, мақолаларнинг қизиқарли ва ўқишли бўлиши таҳририят ижодкорларининг тинимсиз меҳнати, изланишлари самарасидир.

Газетхонларга маънавий озуқа улашаётган "Mahalla" газетасининг доимий ўқувчиси сифатида аҳоли ўртасида унинг обуначилари сафи кенгайишини тилаб қоламан.

Умаржон АБДУЛЛАЕВ,
Асака туманидаги "Фозилжон орзуси" фермер хўжалиги ишчиси.

Mahalla

МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93
236-55-69, 236-57-62
Факс: — 233-44-25

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Нигматилла АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Рустам ҚОСИМОВ,
Шухрат РИЗАЕВ,
Раҳмон ҚЎЧҚОР,
Фаррух БЎТАЕВ,
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мавлуда ҚОСИМОВА,
(масъул котиб)
Бахтиёр РИЗАЕВ,
Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.
Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Бектош Исмоилов
Мусаҳҳих: Моҳичеҳра Латипова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

11426 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1020 Топширилди — 1 2 3 4 5 6